2016 ЙИЛ 23 МАЙ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 104 (13.167)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 май куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Анни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ташриф мунтазамлик касб этган олий даражадаги самарали мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлиб, ўзаро савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Президент Пак Кин Хэнинг 2014 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикасига ва Президент Ислом Каримовнинг 2015 йил май ойида Корея Республикасига давлат ташрифлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Ташрифлар якунига кўра юздан ортиқ ҳужжат, жумладан, умумий қиймати 9,5 миллиард АҚШ долларидан зиёд савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзоланган бунинг тасдиғидир.

Корея Республикаси мамлакатимизнинг асосий инвестициявий ва технологик ҳамкоридир. Жанубий Кореянинг "Хундай", "Самсунг", "Эл-Жи", "ЖиЭм-Корея", Корея газ корпорацияси, "Лотте Кемикал", "ЖиЭс", "Поско-Дэу", "Кореан Эйр", "Шингдонг", "Колон" каби етакчи компаниялари кўп йиллардан буён Ўзбекистон билан ҳамкорликда мамлакатимизда қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Корея Республикасининг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган тўғридан-тўғри инвестициялари 7 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистонда Жанубий Корея инвестицияси иштирокида ташкил қилинган 449 корхона фаолият юритмоқда, 79 компаниясининг ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Корея Республикаси Бош вазирининг ташрифи муҳим воқеа – Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишининг якунланиши ва унинг ишга туширилишига тўғри келгани янада аҳамиятлидир. "Самсунг Инжиниринг", "Хундай Инжиниринг" ва "ЖиЭс" компанияларини жалб этган ҳолда, Корея газ корпорацияси ва "Лотте Кемикал" компанияси таркибидаги Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилган қиймати 4 миллиард долларга тенг ушбу лойиҳа Ўзбекистон – Жанубий Корея инвестициявий ҳамкорлигининг яққол намунасидир.

Муваффақиятли инвестициявий ҳамкорликка доир яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик соҳаларида, янги турдаги қурилиш ва пардозлаш материаллари, юқори самарали фармацевтика препаратлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қатор муҳим қўшма лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларидан ҳам биридир. 2015 йил якунлари бўйича икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 1,7 миллиард доллардан ошди. Айни пайтда Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида Жанубий Кореянинг муҳим савдо шеригидир. Корея Республикасининг минтақамиз давлатлари билан савдо айланмасининг ярмидан кўпи мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келади.

Учрашув чоғида нефть-газ соҳаси, транспорт инфратузилмаси, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича истиқболли инвестициявий лойиҳаларни биргаликда тайёрлаш ва амалга оширишга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, машинасозлик саноати ва бошқа соҳаларда янги корхоналар ташкил этиш, Ўзбекистонда давлат корхоналари ва активларини хусусийлаштириш жараёнида Жанубий кореялик инвесторлар иштирокини кенгайтириш масалаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Хван Гё Ан самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро манфаатли ва кенг кўламли савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ҳамда молиявий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎзА

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) раислиги доирасида жорий йилнинг 23-24 май кунлари Тошкент шаҳрида ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлади.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИГА БАҒИШЛАНДИ

Шу муносабат билан пойтахтимизда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари А.Носиров журналистларга ушбу мажлисга тайёргарлик жараёни, йиғилиш кун тартиби, муҳокама этиладиган масалалар ҳақида маълумот берди.

ШҲТ фаолиятида ташқи ишлар вазирлари кенгаши алоҳида ўрин тутади. Ушбу кенгаш ШҲТ органлари қарорлари ижросини ва умумий мувофиқлаштиришни таъминловчи марказий бўғин ҳисобланиб, ташкилот доирасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича турли йўналишларда таклифлар киритади.

Таъкидланганидек, мажлисда ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари томонидан шу йил июнь ойида Тошкентда ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишининг кун тартиби лойиҳаси, саммитда имзоланиши режалаштирилаётган ҳужжатлар кўриб чиқилади.

Ташкилот доирасини кенгайтиришда ШҲТ фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мўлжалланмоқда. Ташқи ишлар вазирлари йиғилишида Ҳиндистон ва Покистонни ШҲТга аъзоликка қабул қилиш бўйича ушбу давлатларнинг ваколатли вакиллари билан олиб борилаётган музокара жараёни кўриб чиқилади.

Мажлисда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ШҲТни бошқа халқаро тузилмалар билан алоқаларини кенгайтириш, ШҲТнинг кузатувчи давлатлари ва мулоқот бўйича шерикларини ташкилот доирасида амалий ҳамкорликка кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинади.

Ташқи ишлар вазирлари йиғилишида тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш соҳасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти олдида турган вазифалар, ШҲТга аъзо давлатларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирларни қабул қилиш, маданий ва иқтисодий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилиши кутилмоқда.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

"Ўзэкспомарказ"да машинасозлик, автомобиль ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш, ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комплексларининг тармоқ саноат ярмаркалари бўлиб ўтди.

Тайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар иқтисодиётимизни янада жадал ва барқарор ривожлантириш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этишни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, маҳаллий хомашё ва саноат ресурсларидан кенг фойдаланиш, шу асосда аҳоли бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари ташкил этишга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни маҳаллийлаштириш жараёнини янги сифат босқичига кўтарди. Ушбу ҳужжат мамлакатимиз учун янги бўлган қатор юқори технологияли саноат корхоналари ташкил этиш ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ички бозорни сифатли товарлар билан тўлдириш имконини бераётир.

Ярмарка иштирокчилари сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Ўтган йили тармоқ саноат ярмаркасида 165 корхона иштирок этиб, 1200 турдаги маҳсулотларни намойиш этган ва уларнинг 82 таси маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган янги товарлар эди. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзагросаноатмашхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси, "Ўзагромашсервис" уюшмаси таркибига кирадиган 220 дан ортиқ корхона, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ва бошқалар ўз маҳсулотларини тақдим этмоқда.

Электротехника саноати корхоналари маҳсулотлари кенг майдонни эгаллаган. Маркетинг ва савдони ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Фарруҳ Шокировнинг сўзларига кўра, жорий йилги тармоқ саноат ярмаркасида 14 корхона 260 дан зиёд турдаги маҳсулотни намойиш этмоқда. Уларнинг 40 таси мутлақо янгидир. "Sino" акциядорлик жамияти, "Artel" савдо белгиси остидаги компаниялар гуруҳи, "Zenith Electronics" қўшма корхонаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Уларнинг стенди ҳар доимгидек гавжум. Бу бежиз эмас. Негаки, электротехника саноати корхоналари сўнгги йилларда замонавий телевизор, маиший ва саноат музлатгичлари, кондиционер, газ плиталари, чангютгич, энергия тежайдиган лампалар, электр чойнаклар, дазмол, телефон каби мураккаб маиший ҳамда радиотехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Ярмаркада қишлоқ хўжалиги машинасозлигида эришилаётган сўнгги ютуқлар билан ҳам танишиш мумкин. Тошкент ва Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводлари, агрегат заводи, "Технолог", "Урганчкормаш" акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналар бир неча турдаги трактор, тиркама, пахта териш машинаси, пуркагич, сеялка, роторли ўроқ, ўғит сепгич, шунингдек, пахта териш машиналарининг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, плуг ва культиваторларни намойиш этмоқда.

Тармоқ ярмаркасида "Ўзагромашсервис" уюшмаси корхоналари фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ўз хизматларини таклиф этмоқда. Мазкур корхоналар маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда "Кейс" ғалла ўриш комбайни учун 400 дан ортиқ, "Магнум" шудгор тракторлари учун 100 турдаги янги эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда. "ЎзКейсСервис" қўшма корхонасининг сервис марказлари қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйди. Корхонанинг мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган филиаллари "Нью-Холланд" ғалла ўриш комбайнлари, "TL 100", "TS 135", "T-7060" шудгор тракторлари ва сеялкаларни сифатли таъмирламоқда.

Ярмарка иштирокчиларидан бири бўлган "Далварзин таъмирлаш заводи" масъулияти чекланган жамияти дизель двигателларини капитал таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар тайёрлаш, ишдан чиққан деталларни қайта тиклаш хизматларини кўрсатиб, халқ истеъмоли товарлари ва ностандарт ускуналар ишлаб чиқармоқда.

– Дизель ёқилғисидан муқобил ёқилғи – сиқилган табиий газга (метан) ўтказиш заводимиз фаолиятининг янги йўналиши ҳисобланади, – дейди ЎзА мухбирига ушбу масъулияти чекланган жамияти директори Абдухалил Восидов. – Оҳангаронда аҳолига хизмат кўрсатаётган ISUZU автобуслари, Тошкент вилоятининг қатор фермер хўжаликлари тракторларини газда ишлашга ўтказдик.

Ярмарка давомида корхоналар томонидан ўтказиладиган тақдимот маросимларида машинасозлик, автомобиль ва электротехника саноатини, маҳсулотларни стандартлаштириш, ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш тўғрисида атрофлича маълумотлар олиш мумкин. Шунингдек, тадбир доирасида "Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш – ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш истиқболи" мавзусида семинар ўтказилади.

М.МАМЕТОВА

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида "Ўзбекистон тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ресурс базасини мустаҳкамлаш – иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Академия ректори вазифасини бажарувчи А.Бекмуродов, Ўзбекистон банклар уюшмаси бош директори С.Абдуллаев, молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев, Марказий банк раиси ўринбосари А.Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, ресурс базасининг мустаҳкамланишига эришилаётганини таъкидлади.

Тижорат банклари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, банкларнинг халқаро молия бозоридаги иштирокини кенгайтириш, инвестиция салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда дастуруламал бўлмоқда.

Мутахассислар қимматли қоғозлар бозорини янада такомиллаштириш, давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самаралари ҳақида сўз юритди.

Конференцияда ёш олималарни тадбиркорликка жалб этиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, оилада доимий даромад манбаини яратишда банкларнинг ўрни, тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларни шакллантиришнинг аҳамияти, реал сектор корхоналари инновация фаолиятини инвестицион қўллаб-қувватлаш, иш фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сунгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Андижонда ўқувчи-ёшлар маънавияти ва кийиниш маданияти мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Андижон вилояти ва шаҳар кенгашлари, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, партиянинг "Ёшлар қаноти" фаоллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.**

● **Фарғонада Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлимлари, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамкорлигида "Ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришда журналист позицияси: ютуқ, тажриба ва истиқболдаги вазифалар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

● **"Ҳамшира – 2016" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичида 15 ҳамшира иштирок этди. Иштирокчилар таништирув, саволжавоб ва эркин мавзу шартлари бўйича иш тажрибаси, билим ва малакасини синовдан ўтказди.**

● **Андижон вилояти Избоскан туманида "Луғумбек" маданият ва истироҳат боғи фаолият бошлади.**

ЖАҲОНДА

● **Буюк Британиянинг "Vodafone" телекоммуникация компанияси ўтган молиявий йилда 3 миллиард 818 миллион фунт стерлинг зарар кўрди. Шунга яраша қарзлари ҳам 31 фоиз кўпайиб, 29 миллиард 200 миллион фунт стерлингга етди.**

● **Шри-Ланкада кузатилган кучли ёмғир туфайли тупроқ кўчиши содир бўлди. Пойтахт Коломбодан 100 километр шимоли-шарқдаги Аранаяка шаҳрида рўй берган ушбу ҳодиса туфайли 36 киши ҳаётдан кўз юмди. Юздан ортиқ одам бедарак йўқолган.**

● **Финляндиянинг "Nokia" компанияси ушбу мамлакатдаги яна бир бренд — "HMD" билан ҳамкорликда мобиль телефонлар ҳамда планшетлар ишлаб чиқаришни қайтадан йўлга қўйишга қарор қилди.**

● **Глобал миқёсда машҳур бўлган "JLL" консалтинг компанияси томонидан дўконлари энг жозибадор бўлган шаҳарлар рейтинги эълон қилинди. Унга кўра, қатор халқаро компаниялар жойлашган ҳамда энг кўп турдаги люкс товарлар сотиладиган Лондон биринчи ўринни эгаллади.**

● **Хитойнинг "Xiaomi" компанияси томонидан "Bluetooth" 4.0 ёрдамида мобиль телефонга уланувчи "ақлли" чамадон яратилди. "90 Minutes Smart Suitcase" номини олган ушбу буюмдаги қурилмалар ўғирлик ёки унинг қулфини бузишга уриниш бўлаётганда, ўз эгасини огоҳлантиради.**

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, партиянинг дастурий мақсадларини илгари суриш ва доимий электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Анжуманлар

ТАШАББУСКОРЛИК, ФАОЛЛИК – МАҚСАДГА ЕТАКЛАЙДИ



Мазкур тадбирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, Тошкент шаҳар, туман кенгашлари фаоллари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати М.Хусанова, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Р.Қосимов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари Д.Аюпов ва бошқа маърузачилар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар, депутатлик корпуси ва фуқаролик жамияти инс-титутларининг ташаббускорлиги ва фаоллиги муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтдилар. Жумладан, мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият томонидан қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишда жорий йилда қабул қилинган "Парламент назорати" Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун ва аҳамияти ҳақида тўлиқ маълумот бериб ўтилди.

Семинар-тренингда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, депутатларнинг маҳаллий ва давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан парламент ва депутатлик назоратининг самарадорлигини ошириш, касбий маҳорати ҳамда фаолиятини янада юксалтириш бўйича масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Семинар-тренинг кун тартибига мувофиқ Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши партия гуруҳлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, партия гуруҳларининг депутатлик назоратини амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш, депутатларнинг ўз сайлов округларида сайловчилар билан тизимли ишларни ташкил этиши тўғрисида маърузалар тингланди.

Тадбирда партия гуруҳлари ва маҳаллий Кенгашнинг доимий комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш, жойларда қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратини амалга оширишда сиёсий партиянинг парламентдаги фракция аъзолари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш масалалари юзасидан мулоқотлар бўлиб ўтди.

Шунингдек, семинар-тренинг давомида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини амалга оширишда депутатлик гуруҳларининг туман Кенгашлари ва бошлан-ғич партия ташкилотлари билан ўзаро фаолиятини такомиллаштириш, депутатларнинг ўз сайлов округидаги сайловчилар мурожаатларини кўриб чиқишни ҳамда аҳолини ўз фаолиятидан хабардорлигини ошириш мақсадида партия гуруҳларининг жойлардаги ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигини самарали ташкил этиш масалаларида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Тадбир якунида маҳаллий Кенгашлардаги сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР БИЛИМИНИ МУСТАҲКАМЛАДИ

Тошкент молия институтида "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танлови доирасида тарғибот семинари бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармон ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларда дастуруламал бўлмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ўтказиб келаётган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танлови ёшларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, оилалар иқтисодий барқарорлигига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинарда мутахассислар тадбиркорлик соҳасида ўз ғоя ва ташаббусларига эга бўлган ёшларга мамлакатимизда кичик бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида яратилган ҳуқуқий кафолатлар, бизнес-режа тузиш, банк кредитларидан фойдаланиш бўйича маълумотлар берди. Кичик бизнеснинг юридик мақомини танлаш, кредит сиёсати, корхона маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш каби мавзуларда фикр алмашилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартдаги қарорига мувофиқ шаҳримизнинг барча туманларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёни давом этмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Шукур Бурхонов номли маҳаллада беш мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Тумандаги кўркам ва ораста гўшалардан бири бўлган мазкур маҳаллада битта мактаб, иккита мактабгача таълим муассасаси жойлашган. 18 та кўп қаватли ва 571 та якка тартибдаги уйларда аҳоли ўзаро иноқ, тинч ва осуда яшаб келмоқда.

Эшпўлат Музаффаров узоқ йиллардан буён ушбу маҳаллада яшаб келади. Тўйми, азами ёки бошқа бир маъраками доимо маҳалла аҳли билан бирга. У киши бугун маҳалла учун муҳим жараён, яъни маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этди.

– Биз маҳалламиз учун жон куйдирадиган, аҳолининг бирдамлиги, ҳудуд ободлиги йўлида бош қотирадиган, фидойи ва ташаббускор номзодга овоз бердик, – дейди Э.Музаффаров. – Маҳалла раислигига сайланган Собиржон Холиқовни барчамиз яхши таниймиз. У кўп йиллар бир қатор ташкилотларда намунали фаолият олиб борган. Билим даражаси юқори, катта ҳаётий тажрибага эга инсон. Унинг фуқароларни бирдамлик ва якдилликка чорлашига, ёшлар бандлигининг таъминланиши, уларнинг тарбиясига беэътибор бўлмаслигига ҳамда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга катта ҳисса қўшишига ишонамиз.

Ушбу маҳаллада сайлов очиқлик, ошкоралик ва муқобиллик асосида ўтди. Бу борада маҳалла фаолларидан тузилган ишчи гуруҳлар, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ҳамда туман кўмаклашувчи комиссиялари иштирокида сайловолди тадбирлари, учрашувлар, семинарлар ўтказилди. Сайловдан бир неча кун олдин номзодлар ҳақидаги маълумотлар фуқароларга тақдим этилди. Шунингдек, номзодлар ўз дастурлари, келажакдаги режалари билан сайловчиларни таништириб, берилган саволларга жавоб қайтаришди. Аҳоли орасидан қатнашган 45 нафар вакиллар ўзлари ишонган номзодга овоз беришди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан бирга унинг маслаҳатчилари ҳам сайланди. Кўрсатилган 24 номзод орасидан 12 нафари маслаҳатчилик лавозимига сайланди. Тумандаги бошқа маҳаллаларда ҳам бу жараён давом этмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

"ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ" ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда "Электрон ҳукумат"ни жорий этишнинг ҳуқуқий асослари" мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, "электрон ҳукумат" ахборот тизими фаолияти ва жорий этилишини тартибга солувчи ахборот соҳаси қонунчилигининг амалиётга татбиқ этилиши самарадорликни янада оширишини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуни қабул қилингани бу борада янада кенг имкониятлар яратди.

Жорий йилнинг 10 июнидан кучга кирадиган мазкур қонун давлат бошқаруви тизимидаги маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, "ягона дарча" тамойили асосида электрон давлат хизматларини кўрсатиш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишга хизмат қилади.

Миллий ахборот маконини янада ривожлантириш, "электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш ва жорий этишда 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга кўра, 2013-2020 йилларда 2,1 триллион сўмлик телекоммуникация технологиялари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган 17 лойиҳа, "электрон ҳукумат" маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари комплексини яратишда қўл келувчи ўттизга яқин лойиҳа амалга оширилади.

Давра суҳбатида АҚШ, Жанубий Корея, Сингапур каби жаҳоннинг етакчи мамлакатлари амалиётидаги "электрон ҳукумат"ни ривожлантиришни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжат намуналари кўриб чиқилди. Тегишли вазирлик ва идораларнинг "Электрон ҳукумат" лойиҳасидаги "Солиқ", "Божхона", "Бюджет" каби долзарб тизимлари ҳақида йиғилганларга ахборот тақдим этилди.

– Жорий йилнинг биринчи майидан янги электрон солиқ хизматлари портали ишлаб чиқилди, – дейди Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Ҳаётжон Насруллоев. – Бу орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг солиқ органлари билан ўзаро муносабатларининг очиқлиги, тезкорлиги ва самарадорлик даражаси янада ошди. Хусусан, корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан бўлган қарздорлиги ёки жорий йил учун ҳисобланган солиқларни "шахсий кабинет" орқали онлайн тўлаш имконияти яратилгани боис кейинги ўн кунда бу хизмат орқали 550 ортиқ юридик шахс 3 минг нафардан ортиқ ходим учун тўловни амалга оширди.

Давра суҳбатида электрон давлат хизматлари кўрсатиш стандартлари, электрон давлат хизматлари кўрсатишни баҳолаш методикаси, электрон ҳукумат лойиҳаларининг самарадорлиги бўйича мақсадли кўрсаткичларни тасдиқлаш, электрон ҳукуматни амалга ошириш ва фаолият юритиши билан боғлиқ ахборот соҳасидаги қонунларни амалиётга татбиқ этишни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА САЛОМАТЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари билан ҳамкорликда соғлом турмуш тарзининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази олимлари, мутахассислар, экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ё.Умаров, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодмонов, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С.Исмоилов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббий-ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар жараёнида оилада тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилаётган эътибор аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Соғлом турмуш тарзи инсон соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминловчи муҳим жараён бўлиб, у кўплаб тиббий-ижтимоий омилларга боғлиқдир. Мамлакатимизда бу борадаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган ва замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштирилмоқда. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалар ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилиши натижасида аҳолининг саломатлик кўрсаткичи яхшиланмоқда, касалликларнинг олди олинаётир.

Бу борадаги натижаларни янада юксалтиришда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини изчил тарғиб этиш, ҳар бир инсонда ўз соғлиғи учун масъуллик ҳиссини кучайтириш, оилаларда рационал овқатланиш маданиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида жисмоний фаолликни кенг тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Давра суҳбатида соғлом турмуш тарзининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, эндокринологик касалликларнинг олдини олиш, тиббий-профилактика соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш билан боғлиқ вазифалар хусусида фикрлашилди.

ЎзА

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигида "2016 йил январь-апрель ойларида аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат ва меҳнат ҳуқуқи муҳофазаси юзасидан Меҳнат вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар" мавзусида республика онлайн матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуман аввалида Меҳнат вазири ўринбосари Б.Низомов жорий йил 22 февралда Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги этиб қайта ташкил этилганлигини ОАВ вакилларига маълум қилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармонида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими зиммасига – ногиронлар, шу жумладан ногирон болаларга, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа ҳожатманд қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, имконияти чекланган шахсларни касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш ҳамда инклюзив касб-ҳунар таълимини ривожлантириш вазифаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига – муҳтож оилаларга ва фуқароларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш мониторингини амалга ошириш вазифаси назарда тутилган.

Бундан ташқари ногиронлар ва кексаларнинг "Мурувват" ва "Саховат" уйинтернатлари, Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронларнинг ҳудудий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторий ва пансионатлари, Тошкент ҳамда Фарғона шаҳарларидаги имконияти чекланган шахсларнинг республика ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари, Тошкент шаҳридаги юридик коллежи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги таркибидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Вазир ўринбосари иштирокчиларни Меҳнат вазирлиги фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари билан таништирди.

Унга кўра, аҳолининг жинс ва ёш гуруҳлари бўйича минтақалар доирасида аҳоли бандлиги даражасини тизимли асосда чуқур таҳлил қилиш, ҳар йили янги иш жойлари ташкил қилиш дастурлари ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш, аҳоли бандлигини ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, мазкур ишларнинг бориши устидан доимий мониторингини амалга ошириш, банд бўлмаган аҳоли, биринчи навбатда ёшлар, аёллар ва ногиронлар учун, уларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда касб-ҳунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш самарали тизимини ташкил этиш, иш билан таъминлашга кўмаклашишнинг самарали тизимини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бандлик соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш, шунингдек, меҳнат муносабатлари, меҳнатни моддий рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш вазирликнинг устувор вазифалари сирасига киради.

Матбуот анжуманида вазирликнинг тегишли бошқарма мутахассислари томонидан иш ўринлари ташкил этилиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг бажарилиши ҳамда бандликнинг самарали шаклларини ривожлантириш, Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида вазирлик томонидан амалга оширилган ишлар, шунингдек, халқаро ҳамкорлик борасида қилинаётган ишлар юзасидан ҳам маълумотлар берилди.

Таъкидландики, 2016 йил январь-апрель ойларида мамлакатимизда ҳудудлар ва йўналишлар кесимида 259 минг-та иш ўрни ташкил этилди. Хусусан, меҳнат бозорида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож тоифалари бандлигини таъминлаш учун маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда банд қилинган иш ўринларига 20,2 минг нафар фуқаро жойлаштирилган.

Вазирлик томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа асосида мунтазам текширувлар олиб борилиб, аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли таъсир чоралари кўрилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар томонидан кўтарилган долзарб масалаларга вазирлик мутахассисларининг жавоблари тингланди.

З.ШАРИФЖОНОВ

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

БИЗНИНГ АҲИЛ ОИЛА

Фарзандлар — келажагимиз. Эртамизнинг ёруғ ва фараҳбахш кунлари уларнинг ёшликдан тўғри таълим-тарбия олишлари, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишларига бевосита боғлиқ.

Шунинг учун ҳам юртимизда келажагимиз эгалари бўлган ўғил-қизларнинг меҳнаткаш, меҳр-оқибатли, билимли ва соғлом бўлиб вояга етишлари йўлида катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги 185-мактабгача таълим муассасасида "Юртимизда болаларнинг таълими ва тарбиясига берилаётган юксак эътибор ва ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги тажрибалари" мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳам айнан юқоридаги мақсад йўлида ташкил этилди.

Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар қўмитаси ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда "Зумрадойлар давраси" кўлланмаси асосида ташкил этилган ушбу кечага "Самарқанд Дарбоза" маҳалласидаги энг ибратли оилалар вакиллари, ота-оналар таклиф этилди.

— Болажонлар ҳаётимиз мазмуни, келажагимиз давомчилари, — деди тадбирда сўз олган туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова. — Ҳар бир ота-она фарзандининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишини, эртага элу юрт олдида раҳмат эшиттирадиган бўлишини ният қилади. Лекин ҳамма вақт ҳам орзуларимизга эриша олмаймиз. Аслида, ўша келажакни ўзимиз яратишимиз керак. Сабаби, фарзандларимиз ўзимиздан андоза олиб ўсадилар, билиб-билмай бизга тақлид қиладилар. Шундай экан уларга ёшликдан тўғри таълим бериб, одоб-ахлоқли, меҳр-оқибатли, катталарга ҳурмат-эътиборли, иззат-икром кўрсатиш руҳида тарбия бермоғимиз керак.

"Бизнинг аҳил оила" мавзусидаги ушбу тадбир мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигини кучайтириш, ўзбекона миллий қадриятларимизни юксалтириш, оила — муқаддас даргоҳ эканлигини кичкинтойлар онгига сингдириш мақсадида ташкил этилганлиги, айниқса ибратли оила вакилларининг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб тайёрланган саҳна кўринишлари билан барчада катта таассурот қолдирди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, оилада ота-онанинг бир-бирига нисбатан ҳурмат-эътибори, ўзаро маслаҳатлашиб иш кўриши, елкадош, суянчиқ бўлиши, энг муҳими вафо ва садоқатни улуғлаши, "Оила — муқаддас қўрғон" эканлиги ҳақидаги сабоқлар болажонларнинг митти юракларида меҳр ниҳоллари унишига замин бўлади, десак хато бўлмайди.

Кеча сўнгида "Энг намунали оила"лар туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқ билан тақдирландилар.

Шахризода МУҲСИМОВА





Танловлар

МОҲИР ВА ЗУККО ҚИЗЛАР БАҲСИ

Ўзбек қизларининг ибоси-ю ҳаёси неча асрлардан буён тиллардан тушмайди. Зеро, Тўмарис, Зебуннисо, Моҳларойим, Увайсийларга ворис пири бадавлат момоларнинг тарбияси ва ўгитларига амал қилиб келаётган ўзбек қизлари буюк аждодлар ҳамда келажаги порлоқ баркамол авлодлар орасидаги мустаҳкам кўприкдир, десак муболаға бўлмайди.

Қиз боланинг тарбияси, унинг уй тутиши, эгаллаган илми, рўзғор ишларига киришимлилиги, ҳатто эгнидаги либосидан тортиб пардозида ҳам акс этиб турар экан. Бир кўришда кўзингиз қувнаса, суҳбатлашгач дилингиз яйрайди.

Қўли гул пазанда, моҳир чевар бўлса-ку нур устига аъло нур. Динора Сайдаҳметова, Муниса Бузрукхўжаева, Нозима Аҳмедова, Фарида Абдушоҳидова ҳамда Мафтуна Рустамовалар худди ана шундай ораста қизлардан. Тошкент молия институтида таҳсил олиш баробарида, ҳунар ўрганиш, спорт билан мунтазам шуғулланишни ҳам асло канда қилмайди. Факультетда ана шундай қизлар бисёр. Уларнинг қобилияти, дунёқараши, моҳирлигию зукколигини баҳолаш мақсадида Тошкент молия институти, бюджет ҳисоби ва давлат жамғармалари факультети, хотин-қизлар бошланғич ташкилоти ҳамда "Ораста қизлар" тўгараги ҳамкорлигида "Балли, қизлар" кўрик-танловининг факультет босқичи ўтказилди.

Тадбирда "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби Шарбат Абдуллаева, Ўзбекистон халқ артисти Меҳри Бекжонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Александр Бекжонов, институт хотин-қизлар кенгашининг раиси Раъно Азимбоева ҳамда фахрий педагог хотин-қизлар, фаол аёл профессор-ўқитувчилар ва факультет талабалари иштирок этдилар.

Танлов иштирокчилари тўртта шарт бўйича, яъни иқтисод, спорт, адабиёт, экология, математика каби йўналишлардаги билимларини, қўл меҳнати билан яратилган ижодлари маҳсулини, эркин мавзудаги шеър, қўшиқ, рақс ва саҳна кўринишларини намойиш қилдилар.

Ушбу шартларнинг бажарилишини ҳакамлар ҳайъати холисона баҳолаб борди ва танлов натижаларига кўра, биринчи босқич талабаси Мафтуна Рустамова энг юқори кўрсаткич билан танлов ғолиби бўлди. Иштирокчи қизлардан Динора Сайдаҳметова "Энг мафтункор қиз" номинацияси бўйича, Фарида Абдушоҳидова – "Энг зукко қиз", Мунисахон Бузрукхўжаева – "Энг ижодкор қиз", Нозимахон Аҳмедова эса "Энг маҳоратли қиз" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Танлов ғолиби ва иштирокчиларига фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилафруз ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Бахтиёр ҲАЙИТОВ,
Тошкент молия институти ўқитувчилари

Маълумки баркамол авлодни тарбиялашда ҳар қандай ўқитувчидан авваламбор, ўз устида тинимсиз ишлашни ва соҳасининг устаси бўлиш талаб этилади. Бугунги кунда барча таълим муассасалари учун бундай педагог ходимлар ниҳоятда зарур. Айниқса бугунги кун ёш авлодига чет тилини ўқитишда ўқитувчи таълимнинг энг самарали усулларидан оқилона фойдалангандагина кўзланган мақсадига эришиши мумкин. Мақсадга эришиш кўп жиҳатдан ўқитувчининг дарс жараёнида турли усуллардан фойдаланишига ҳам боғлиқдир.

ЎЗИГА ХОС УСУЛ ВА ТАЖРИБА

Чет тили ўқитувчиси машғулотга тайёргарлик кўрар экан ҳар бир гуруҳга мос усул танласа мақсадга мувофиқ бўлади. Тажрибадан маълумки, бир хил усулда икки гуруҳга дарс ўтиб бир хил натижага эриша олиш мушкул. Кундан-кунга такомиллашиб бораётган таълим жараёни бугунги кун ўқитувчисидан тинмай изланишни, ўқиб-ўрганишни, бу жараённи турли усул ва услубларда олиб боришни талаб этади. Таълим жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш ҳам ана шундай усуллардан бири ҳисобланади.

Замон шиддат билан ўзгариб бориши муносабати билан таълим жараёнига "интер фаол" деган тушунча кириб келди. Ҳаммага маълумки бугунги кунда интерфаол дарслар нафақат чет тили дарсларида, балки бошқа фанларнинг ўқитилишида ҳам кенг фойдаланиляпти. Интерфаол дарслар тизимли билимларни шакллантириш учун самарали омил ҳисобланади, чунки бундай дарсларда турли ўқув предметлари бўйича билимлар таҳлили ва синтези амалга оширилади. Натижада бу билимлар бир-бирига бирикишига, кенг ва чуқур ўзлаштирилишига имкон беради.

Интерфаол дарслардаги фойдаланилаётган замонавий технологиялар ўқувчиларни чет тилларини эгаллашда фаол бўлишга, яъни адабиётлар ўқиш, интернетдан маълумотлар топиш, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ўзлари хулосалар чиқаришларига йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Ўқитувчи ўқувчиларнинг билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, дарсни бошқаради ҳамда йўналтиради. Ўқитувчи натижага эришиши учун компьютер билан фильм, тарқатма материали, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ўзи тайёрлаган маъруза матнидан фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур. Бу жараёнда ўқитувчи чет тилининг ўзига хос хусусиятлар, аудитория шароитларини, ўқитишнинг техник воситаларини, энг асосийси ўқувчиларнинг имконият ва эҳтиёжларини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишни ҳисобга олиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, таълим ва технология тушунчаларининг ҳар бири илгари алоҳида тушунилган бўлса, бугунга келиб улар уйғунлашиб, яхлит бир тизимни ташкил этмоқда, яъни замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилган ҳолда интерфаол дарслар таълим тизимининг бош мезони ва асоси бўлиб ҳаётимизга чуқур сингиб бораётир.

Г. АБДИҒАНИЕВА,
Д. ШОМАҲМУДОВА,
ЎзДЖТУ 3-сон академик лицей инглиз тили фани ўқитувчилари

Диққат, танловлар!

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ" ТАНЛОВИ

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган **"Йилнинг энг фаол ёш журналисти" республика танлови**ни эълон қилади.

Танловда республика оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда таҳририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини кенг очиб бериши лозим.

Танловга материаллар 2016 йилнинг 1 ноябригача "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий кенгашларида қабул қилинади.

Батафсил маълумотлар (0-371) 241-02-72 телефон рақами ҳамда www.kamolot.uz сайтида.

"ЯНГИ НИГОҲ" ВИДЕОРОЛИКЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилишга қаратилган **"Янги нигоҳ" видеороликлар танлови**ни эълон қилади.

Танловда 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга ижодий ишлар 2016 йилнинг 1 октябрига қадар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий кенгашларида қабул қилинади.

Батафсил маълумотлар (0-371) 241-02-72 телефон рақами ҳамда www.kamolot.uz сайтида.

"MIT.UZ" – МИЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги **"MIT.uz" – миллий интернет танлови**ни эълон қилади.

Танловда ахборот-коммуникация технологиялари ва миллий интернет сегментини ривожлантириш соҳасида фаолият юритаётган 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этиши мумкин.

Танловга анкеталар 2016 йилнинг 1 августига қадар www.mit.uz сайтида онлайн тарзда қабул қилинади.

Батафсил маълумотлар (0-371) 241-02-72 телефон рақами ҳамда www.mit.uz ҳамда www.kamolot.uz сайтларида.

КИТОБ БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ! ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! МУҲТАРАМ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Республикамиз аҳолисининг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қўмагида бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2016 йилнинг 26-28 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида **"Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор"** шиори остида Республика "Китоб байрами" ўтказилмоқда.

Сайил тарзида ўтказилаётган байрам тадбирларида адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китобларнинг тақдимотлари, мустақилликнинг 25 йиллигига бағишланган сара асарлар намойиши, таниқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар, совринли викториналар, санъат усталарининг концертлари бўлиб ўтади.

27 май куни "Китоб байрами" доирасида "Китоб – миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси" мавзуидаги IV илмий-амалий конференция ҳам ўтказилмоқда.

Барча китобсеварларни Республика "Китоб байрами"га таклиф этамиз!

Маълумот учун телефон: 244-12-61

Спорт янгиликлари







Ўзб...ган...ратлар

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР ОСТИДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан олимпия спорт турларидан бири ҳисобланган "Триатлон" бўйича Тошкент шаҳар чемпионати мусобақасининг 2-босқичи ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри бўйича элликдан зиёд спортчилар иштирок этдилар.

Қатнашчилар сузиш, велоспорт ва югуриш спорт турини уйғунлаштирган ҳолда ўзаро беллашдилар. Учта ёш гуруҳ доирасида шунингдек, эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида ўтказилган ушбу мусобақада сузиш бўйича катталар 750 метр, ёшлар 400 метр, ўсмирлар эса 200 метр, велоспорт бўйича катталар 20 минг метр, ёшлар 10 минг метр, ўсмирлар эса 5 минг метр, югуриш бўйича катталар 5 минг метр, ёшлар ва ўсмирлар 2.500 метр узоқликка югуриб ўз омадларини синаб кўрдилар.

Умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Шайхонтоҳур ЎСТК, 2-ўринни Сергели ЎСТК, 3-ўринни 2-сонли БЎСМ жамоалари эгаллашди.

Мусобақа якунида ғолиб спортчи ва жамоалар Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилотининг дипломлари билан тақдирландилар.

Қ.ЗОКИРОВ

НАВБАТДАГИ РАҚИБИМИЗ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Футбол бўйича 2018 йилда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 7 июнда Австралияда Канада терма жамоаси билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашиши мухлисларга маълум.

Яқиндагина Ўзбекистон футбол федерацияси расмий сайти хабарига кўра 2 июнь куни Тошкентдаги "Бунёдкор" стадионида Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон миллий терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтади. Шу кунгача Ўзбекистон ва Қирғизистон терма жамоалари ўзаро беш марта тўқнаш келишган ва барчасида ҳамюртларимизнинг қўли баланд келган. Тўплар нисбати — 25:2 Ўзбекистон фойдасига. Лекин, кейинги йилларда Қирғизистон футболи ҳам анча ривожланган. Россиялик Александр Крестигин бош мураббийлигидаги Қирғизистон терма жамоаси аъзоларининг 14 нафари легионерлар эканлиги ушбу баҳсга ҳамюртларимиз жиддий ҳозирлик кўриши зарурлигини англатади.

Дарвоқе, ФИФА рейтингида Ўзбекистон миллий терма жамоаси 66-ўринда бораётган бўлса, қирғизистонликлар 100-поғонани банд этишган.

"ТОШКЕНТ ДЕРБИ"СИДА "ЛОКОМОТИВ" ҒОЛИБ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ташкил этилган мамлакат XXV миллий чемпионатининг 9-туридан кейин мағлубиятсиз ўйнаётган командалар сони яна биттага камайди.

Ўтган 9 та тур учрашувлари якунига кўра чемпионатимизда пешқадамликка интилаётган рақобатбардош клублар сони ортиб бораётганлиги айён бўлди.

Шубҳасиз ушбу турнинг марказий баҳси Тошкентда "Локомотив" ва "Пахтакор" ўртасида кечди. "Тошкент дербиси" мақомини олган ушбу беллашув қизиқарли кечди дейиш ўринли. Албатта баҳс тенг курашлар остида ўтди. Айрим ҳолларда пахтакорчиларнинг устунлиги сезилиб турди. Бироқ рақиб дарвозасига уюштирилган ҳужумлардан амалдаги чемпион жамоа аъзолари унумли фойдалана олишмади. Ўйиннинг 13-дақиқасида Темурхўжа Абдуҳолиқов томонидан дарвозага киритилган гол "Локомотив"га 1:0 ҳисобидаги муҳим ғалабани тақдим этди. Ушбу ҳисоб ўйин охирига қадар ўзгармай қолди.

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларини муваффақиятсиз якунлаган "Бунёдкор" миллий чемпионат учрашувларини кўтаринки кайфият билан ўтказмоқда. Буни Тошкентда "Бунёдкор" ва "Бухоро" ўртасида кечган учрашув яна тасдиқлади. Чунки "Қалдирғочлар" жорий йилги мавсумда анча сермазмун ўйин намойиш этаётган бухороликлардан яққол устунлик қилди ва 3:0 ҳисобида зафар қучди.

Бекободда "Металлург" ва "Насаф" ўзаро беллашди. Муросасиз ўйин майдон эгаларининг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади. Шу тургача фақат зафар қучиб совринли ўринлар учун дадил курашаётган қаршилик чарм тўп усталарининг мағлубият аламини татиб кўриши чемпионатимизда рақобатбардош клублар кўпаяётганлигидан далолат.

Турнинг қолган беллашувлари қуйидагича якунланди: "Навбаҳор" — "Қўқон-1912" — 5:1, "Қизилқум" — "Андижон" — 2:1, "Нефтчи" — "Обод" — 1:0, "Сўғдиёна" — "Олмалиқ" — 1:0, "Машъал" — "Шўртан" — 2:1.

Шундай қилиб уюштирилган 9-турдан кейин турнир жадвалида 25 тадан очко жамғарган "Локомотив" ва "Бунёдкор" 1, 2-ўринларни эгаллаб туришибди. Учинчи ўринда бораётган "Насаф" ҳисобида 22 очко бор. Тўпурарлар баҳсида эса "Металлург" аъзоси Зоҳид Абдуллаев ҳамда "Бунёдкор", "Локомотив", "Пахтакор" футболчилари — Элдор Шомуродов, Темурхўжа Абдуҳолиқов ва Игорь Сергеев 7 тадан рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олишган.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"КАМАЛАК" БИЛИМДОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ёшлар ижод саройида "Камалак" билимдонлари" кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Болаларнинг истеъдодларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда "Камалак" билимдонлари" кўрик-танлови юқори савияда ўтказиб келинаётганини таъкидлаш жоиз. Танлов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси Азиза Раҳматуллаева. — "Камалак" билимдонлари" танлови "Камалак" болалар ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, болалар томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналишларни қўллаб-қувватлаш, ташкилот аъзоларининг фаолият тизимини янада мустаҳкамлаш ҳамда нуфузини ошириш, Ҳаракатнинг ривожига муносиб ҳамда келажакда мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган етук кадрлар бўлиб етишишларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Болажонларнинг ўзлари эришган ютуқлари акс этган ҳамда ижод намуналаридан ташкил топган кўргазмалари кўрик-танловга ўзгача файз бағишлади.

Баркамол авлод вакилларининг билим ва салоҳиятларини яна бир бора намоён этган мазкур танловда пойтахтимизнинг барча туманларида ғолибликни қўлга киритган жамоалар қатнашди. жамоалар танишув, саҳна кўриниши, савол-жавоб, ижтимоий лойиҳа каби шартлар асосида ўзаро беллашишди. Биринчи шарт тақдимот деб номланиб, унда мактаб жамоалари ўзларини таништирди. Иккинчи шартда "Камалак" билимдонлари, яъни ёшлар ҳар хил саҳна кўринишларини кўрсатишди. Саҳна кўринишларида ёшлар ўртасидаги долзарб муаммолар намойиш этилиб, унинг ечимларига ҳам тўхталиб ўтишди. Учинчи шарт савол-жавоб деб номланиб, ўқувчиларнинг "Камолот" ва "Камалак" фаолиятига оид билимлари синалди. Тўртинчи шартда жамоалар ижтимоий лойиҳа яратиб, унда долзарб муаммоларни кўрсатиб, унинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб ўтишди.

Мазкур шартлар ёшларнинг қизиқишини ривожлантиришга, интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилиши аниқ. Ҳакамлар ҳайъати 10 баллик тизим асосида жамоаларни баҳолади.

Ёшларнинг ижтимоий фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини намоён қилишга кўмаклашиш, ташкилот аъзоларининг фаолият тизимини янада мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий нуфузини оширишда мазкур танловнинг ўрни беқиёс.

Тантанали тақдирлаш маросими шўх қўшиқлар садоси остида бошланди. Омад кулиб боққан жамоалар "Камолот кутубхонаси" рукни остида чоп этилаётган китоблар тўплами ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар ҳамда мутлақ ғолиб бўлган Чилонзор туманининг "Тараққиёт" жамоаси танловнинг Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Зиёда РАСУЛОВА

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишлаб "Психотроп моддаларнинг инсон саломатлигига таъсири ва унинг салбий оқибатлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ГИЁҲВАНДЛИК – УМР ЗАВОЛИ

Тадбир "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг транспортдаги ички ишлар бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ гиёҳвандликка қарши курашиш миллий стратегияси ишлаб чиқилган ва муваффақиятли амалга оширилмоқда. 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар айланиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тизими жорий этилди. Наркотик моддалар савдоси билан шуғулланадиган жиноий гуруҳларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш, таркибида гиёҳванд моддалар бўлган экинларни йўқ қилиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Давра суҳбатида мамлакатимизда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан наркотик моддаларни истеъмол қилишнинг аянчли оқибатлари хусусида ёш авлодни хабардор этиш, уларнинг ўз саломатлигига эътиборини кучайтиришга йўналтирилган тарғибот ишлари мунтазам олиб борилаётгани қайд этилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

ВИТАМИНЛАРГА БОЙ ОЗУҚА

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимизга сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида фонд томонидан мамлакатимиздаги тиббий-ижтимоий муассасалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида дори-дармонлар, тиббиёт жиҳозлари, санитария-гигиена воситалари, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, спорт инвентарларидан иборат мурувват ёрдамлари топшириб келинмоқда.

Навбатдаги хайрия тадбирида "Recource and Policy Exchange" халқаро ташкилотининг (АҚШ) витаминлар билан бойитилган маҳсулотлари тиббий-ижтимоий муассасаларга топширилди.

Тадбирда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси С.Иномова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, соҳада жаҳон тиббиётининг илғор усулларини жорий этишга қаратилаётган доимий эътибор соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, миллат генофондини мустаҳкамлашда юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган лойиҳалар натижалари хусусида маълумот берилди.

ЎзА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 27 июнда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 53 Б-уй манзилида жойлашган "Sirkechi-Tashtekstil" МЧЖ ҚК устав фондидаги 25,0 фоиз давлат улушини сотиб олишга таклиф этади.

Улушнинг бошланғич нархи – **2 304 146 160** сўм.

Улушни сотиб олиш шартлари қуйидагича:

– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

– ушбу "Улуш" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

– янги иш ўринларини ташкил этиш;

– харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат давомида).

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

– сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;

– таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 27 июнь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2016 йил 11, 25 июль, 8, 22 август ва 5, 19 сентябрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **24 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 майда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9207

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 555

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.45

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ